

ЮНУС РАЖАБИЙНИНГ “МУСИКА МЕРОСИМИЗГА БИР НАЗАР”
КИТОБИННИГ АСОСИЙ МАЗМУНИ ВА ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6345087>

Агзамова Дилобар Тўлқиновна

А.В.Успенский номли мусиқа

иқтисослаштирилган мусиқа мактаби, ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақола ўзбек мусиқа меросидаги Мақом ва Шашмақомнинг илмий таҳлили ва байони берилган - Юнус Ражабийнинг “Мусиқа меросимизга бир назар” китобининг илмий аҳамияти ҳақида сўзлайди, қолаверса бу китоб мусиқашуносликни нигоҳида нақадар қимматли эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Калит сўзлар: Юнус Ражабий, ўзбек мусиқа мероси, мақом, мақом ансамбли, созанда, халқ мусиқаси, Шашмақом.

Ўзбекистон халқ артисти ҳонанда, созанда, академик - Юнус Ражабий (1897-1976) ўзбек мусиқасига улкан ҳисса кўшган санъаткордир. Унинг “Мусиқа меросимизга бир назар” номли китоби 1978 - йил Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, ўзбек ва рус тилларида, Тошкентда, Ф.М. Кароматов (1925-) таҳрири остида, 2000 нусҳада чоп этилган. Ушбу китобда “Ўзбек халқ мусиқаси” (I-V) ва “Шашмоқом” (I-IV) нашрига изоҳ ва тузатишлар - деб хам айтиб ўтилган, яни Ф.Кароматов : - “Ушбу нашрдан кузатилаётган мақсад Юнус Ражабий томонидан мақомларни ёзиб олиш ҳамда мақомчилар ансамбли ва айрим ҳонандалар билан ишлаш жараённида киритилган тузатиш ва аниқликларни китобхонга етказишидир. Аммо шуни такидлаш керакки, устод мусиқашунос ва ўзбек мусиқий меросининг билимдони Ю.Ражабий изоҳлари умуман, мусиқий меросимиз тўғрисида ноёб маълумот даражасидаги мустақил илмий қиммат касб этади”, деб таъриф этади.

Асар бошида мусиқашунос Воҳид Зоҳидов 1977¹ йил сўз боши ўрнида Ю.Ражабийнинг ижоди ва фолияти ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтади. Сўнг асарнинг муаллифи Ю.Ражабий ўзинг фикр мулоҳазаларини келтириб ўтади, жумладан: ўзбек мусиқа маданиятида - Шашмақом, унинг моҳияти, миллий мусикамиизда тутган ўрни, яратилиши, ўрганилиши, нотага олиниши боскичмабоскич келтириб ўтилади, қолаверса нотага олиш билан бир қаторда илмий - тадқиқот ишлари олиб борилган адабиётлар - М.Харратовнинг «Хоразм мусиқий тархаси» ва профессор А.Фитратнинг «Ўзбек класик мусиқаси», И.Ражабовнинг - Мақомлар масаласига бағишиланган биринчи монографик асарларини айтиб ўтиб,

¹ Мазкур китоб 1978 йили чоп этилган, аммо Воҳид Зоҳидов уни 1977 йил ёзилгани адабиётнинг 7-бетида келтириб ўтилган.

Ю.Раджабий шундай ёзади «Мен ҳам кўп йиллардан бери ўзбек халқ мусиқа мероси дурдоналарини тўплаб келаётирман. Ўттизинчи йилларда машхур мақом, мақомдан устозлар билан учрашиб, улардан мақом йулларини ўргана бошлаганимда менда бу ажойиб асар намуналарини нотага олиш иштиёки пайдо булган эди».

Муаллиф кейинги ўринда 1959 йилда Ўзбекистон радиоси қошида тузилган «Мақомчилар ансамбли» хақида сўз юритиб, унинг пайдо булиши, ансамблда фаолият юритган санъаткорларга тухталиб ўтган ҳамда «Шашмақом»нинг граммофон ва магнит ленталарига ёзиб олиниши, машхур устозлар Хожи Абдулазиз Расулов, Мулла Туйчи Тошмухаммедов, М.Толмасов, Шорахим Шоумаров, Г. Муллакандовлар айтиш услубларидан фойдаланилганликларини ҳам билвосита таъкидлаб ўтади.

Санъаткор - мусиқада ижро этиш, ижро этилишдаги камчиликлар ҳакида ҳам фикр юритиб ўтган.

Ушбу китоб ҳакида муаллиф Ю.Ражабий шундай дейди: «Ушбу китоб кариб йигирма йил давомида Шашмақом соҳасида олиб борган ижодий ишларим натижасида юзага келган. Бу китобдаги мулоҳазаларим мақом йўлларини ўрганувчиларга ёрдам берадиган бир дастуриламал бўлар, деган умиддаман. Ушбу китобни нашрга тайёрлашда ўғлим – Хасанбой Ражабов, жиянларим – санъатшунослик фанлари доктори Исҳок Ражабов, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси уқитувчиси Отаназар Матякубовлар ўз маслаҳатлари ва меҳнатлари билан катта кўмак бердилар. Уларга ўзимнинг самимий ташаккуримни изҳор киласман»², дея якунлайди.

Муаллиф таърифидан сўнг изоҳ ва тузатишлар берилган. Улар бўлимларга бўлинниб, китоб номи ва жилдларига кирган асарларниг тўғирланган шарҳи ёзилган. Уни куйидаги жадавал асосида кўришимиз мумкин:

156-бетга келиб, Шашмком таркибига кирган куйларининг ғазалари - Амирий «Чор зарб», Зебунисо «Самарканд ушшофи», Навоий « Кўқон ушшофи», «Шитоб айлаб», « Сарахбори бузрукнинг 6 чи таронаси, Муқимий «Айрилмасун», Огахий « Наврози сабо», Фуркат «Саййора» , «Талкини ушшок таронаси», Бобир «Насри ушшокнинг 2 таронаси», Лутфий «Сарахбори ростнинг сипориши» , Фузулий « Байоти шерозий талкинчаси», Мунис «Байоти шерозий сокиномаси» каби асарларингинг шеърий матни бериб ўтилади. Бу мазкур китобнинг баёни эди, унинг илмий аҳамиятига келсак, шуни айтиш жоизки, ушбу китоб соф илмий тилда ёзилиб, юкорида номлари зикр этилган китобларни тушиниш, асарларни кўриб чиқиб, ушбу китоб орқали янада түғри вариантини билиб олишга асос бўла олади. Шу ўринда китобда бир хатоликка эътибор қаратиб ўтамиз. Китобнинг 30-бетида “Ўзбек халқ мусиқаси”нинг иккинчи жилди,- дея ёзилиши керак эди, бу мундарижада ҳам кўрсатилиб ўтилган. Аммо учинчи жилди деб ёзилган. Ушбу хатолик китобдан фойдаланаётганлар учун чалкашлик уйғотиши мумкин. Ижобий томонлама, китобда

² Ю.Ражабий. Мусиқа меросимизга бир назар. Тошкент., 1978й. 15 бет

нота мисоллар орқали илмий тушунтирилишга катта эътибор қаратилган. Бундан ташқари муаллиф бу рисолада Шашмақом китобидан ҳам, аввалги жилдидаги асарлардан ҳам ва айниқса олти мақомнинг профессионал мусиқа эканлигини таъкидлаш, малакали кадрлар тайёрлаш йўлини ёритиб берган.

Бу мазкур китобнинг баёни эди, унинг илмий аҳамиятига келсақ, шуни айтиш жоизки, ушбу китоб соф илмий тилда ёзилиб, юкорида номлари зикр этилган китобларни тушиниш, асарларни кўриб чиқиб, ушбу китоб орқали янада туғри вариантини билиб олишга асос бўла олади. Шу ўринда китобда бир хатоликка эътибор қаратиб ўтамиз. Китобнинг 30-бетида “Ўзбек халқ мусиқаси”нинг иккинчи жилди,- дея ёзилиши керак эди, бу мундарижада ҳам кўрсатилиб ўтилган. Аммо учинчи жилди деб ёзилган. Ушбу хатолик китобдан фойдаланаётганлар учун чалкашлик уйғотиши мумкин. Ижобий томонлама, китобдаnota мисоллар орқали илмий тушунтирилишга катта эътибор қаратилган. Бундан ташқари муаллиф бу рисолада Шашмақом китобидан ҳам, аввалги жилдидаги асарлардан ҳам ва айниқса олти мақомнинг профессионал мусиқа эканлигини таъкидлаш, малакали кадрлар тайёрлаш йўлини ёритиб берган.

Хулоса ўрнида, мазкур асар ўзбек мусиқа меросимизда катта илмий манба хирсобланади. Унинг афзалликларини юкорида тўлиқлигича ёритишига харакат қилдик. Аммо миллий мусиқамизни билувчилар, эшитувчилар учун мазкур китоб катта аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам жуда кўп таърифни афзал билмадим.

№	Бўлимлар номлари	Тузатиш киритилган асарлар сони	Бетлар сони
1	“Ўзбек халқ мусиқаси” 1 жилд	12 та қўшиқ	16-30 бетлар
2	“Ўзбек халқ мусиқаси” 2 жилд	19 та қўшиқ	30-58 бетлар
3	“Ўзбек халқ мусиқаси” 3 жилд	15 та қўшиқ	58-72 бетлар
4	“Ўзбек халқ мусиқаси” 4 жилд	4 та қўшиқ	72-79 бетлар
5	“Ўзбек халқ мусиқаси” 5 жилд	57 та қўшиқ	79-116 бетлар
6	Шашмақом 1-4 томлар	42 та	116-157 бетлар
7	Асарларда ғазаллар	15 та ғазал	157-162 бетлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

**“FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS
INTERDISCIPLINARY SCIENCES”**

ITALIA

1. Ю.Ражабий. “Мусиқа меросимизга бир назар”. Тошкент., 1978й.